Ватанни севмак иймондандур!

# Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 28 май, шанба № 93 (21.697). Сотувда эркин нархда

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

26 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Буюк Британиянинг савдо ва саноат давлат вазири Тим Эггарни қабул қилди.

Ислом Каримов Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқалар ривожланиб бораётганидан мамнуннят изҳор этар экан, бу ҳамкорликни янада кенгайтириш имкониятлари, мамлакатимизда тадбиркорлик ва чет эл сармоядорлари учун яратилган ҳуқуқий кафолатлар хусусида сўзлади.

— Буюк Британия ва Европадаги бошқа ишбилармонлар ҳали Ўзбекистон ҳақида етарли тасаввурга эга эмас, — деди Ислом Каримов.,— Мамлакатимизнинг табиий заҳиралари, иқтисодий имкониятлари хусусида ахборот алмашув ҳамкорларимиз сафининг янада кенгайишига, ўзаро манфаатли алоқаларимиз мустаҳкамланишига омил бўлур эди.

Ўзбекистон раҳбари, шунингдек, вазирнинг ташрифи Буюк Британияда имзоланган давлатлараро ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилишига кўмаклашади, деб умид билдирди.

Жаноб Тим Эггар самимий қабул учун миннатдорчилик билдириб, Ислом Каримовга Буюк Британия Бош вазирининг эзгу тилакларини етказди. Қисқа муддатли ташрифи давомида бўлиб ўтган музокаралар самарасидан мамнун эканини айтди. Имзоланган янги меморандум халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари У. Султонов, Қ. Ҳаққулов, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки раиси Р. Азимов иштирок этди.

Суҳбат чоғида Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Пол Берн ҳозир бўлди.

(ЎзА).

СУРАТДА: қабул пайти.
Р. ШАГАЕВ тасвири (ЎзА).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

### 1994 ЙИЛНИНГ 1 ИЮНИДАН МЕҲНАТ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

1. Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида 1994 йилнинг 1 июнидан бошлаб:

иш ҳақи ўрта ҳисобда 1,5 баробар оширилсин ва иш ҳақининг энг оз миқдори ойига 70000 сўм-купон миқдорида;

фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромадларининг энг паст даражаси ойига 70000 сўм-купон миқдорида;

ҳозир амалда бўлган барча турдаги пенсияларнинг миқдорлари ўрта ҳисобда 1,5 баробар оширилсин ва меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори ойига 75000 сўм-купон қилиб белгилансин.

2. 1994 йилнинг 1 июнидан олий ўқув юртлари талабаларининг, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари ўрта ҳисобда 1,5 баробар кўпайтирилсин.

3. Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон, Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, бюджетдан пул билан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасалар, Ўзбекистон Республикасининг Ижтимоий таъминот вазирлиги меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси разрядларига мувофиқ пенсиялар, стипендияларнинг ва ходимлар мансаб окладларининг миқдорлари ўз вақтида қайтадан ҳисоблаб чиқилишини таъминласинлар.

4. Бюджетдан пул билан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотлар ходимларининг иш ҳақини, пенсиялар ва стипендияларни ошириш билан боғлиқ харажатлар республика давлат бюджети ва ижтимоий суғурта жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплансин.

5. Мулкчилик шаклларидан қатъи назар, хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотларга мазкур Фармонга мувофиқ меҳнат ҳақини даромад манбалари қидириб топилишига қараб, даромад манбалари вақтинча етишмай қолган тақдирда эса банк муассасалари аниқ мақсад учун берадиган кредитлар ҳисобидан ошириш тавсия қилинсин.

6. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 26 май.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

### ҚЎШИМЧА ҚИЙМАТДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ МИҚДОРИНИ КАМАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мулкчилик шаклларидан қатъий назар, республиканинг хўжалик ҳисобидаги корхоналари ва ташкилотларининг иш ҳақини ошириш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш мақсадида:

1. 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб қўшимча қийматдан олинадиган солиқ миқдорини 25 фоиздан 20 фоизга камайтириш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклифларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгашига тақдим этсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 13 сентябрдаги 648-сон Фармонининг 7-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 26 май.

## Самимий қутловлар

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

**Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Сизга ўзимнинг самимий табрикларимни йўллайман.**

**Муҳаммад Ҳусни МУБОРАК,**
**Миср Араб Республикаси Президенти.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

**Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.**

**Қутлуғ Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз, жаноби олийларига ва мамлакатингиз мусулмон халқига ўзимнинг ва Эрон мусулмон халқининг энг самимий табрик ва эзгу тилакларини изҳор этаман. Ушбу буюк исломий байрам шарофати ила ўртамиздаги теран дўстлик ришталари ва ҳақиқий ислом динига таянувчи бирдамлик ҳамда исломий ваҳдат, биродарлик йўлидаги якдиллигимиз янада мустаҳкамланади, деган умиддаман.**

**Аллоҳ таоллодан Сиз, жаноби олийларига муваффақият ва саломатлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси мусулмон халқига равнақ ва сарафрозлик тилаб қоламан.**

**Акбар Ҳошимий РАФСАНЖОНИЙ,**
**Эрон Ислом Жумҳурияти Президенти.**

## ЭҲТИРОМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Қадрли Президент жаноблари, ўтган йил ноябрь ойида Сизни Бирлашган қироллиқда меҳмоним сифатида қутлаганимдан жуда мамнун бўлган эдим.

Сиз билан учрашиш имкониятидан қониқиш ҳосил қилдим ва ташрифингиз шу қадар муваффақиятли ўтганидан жуда хурсандман.

Британияда Ўзбекистонга қизиқиш тобора кучайиб бормоқда, мен бу қизиқишни бундан буён ҳам қўллаб-қувватламоқчиман. Ёдингизда бўлса тушки зиёфат чоғида савдо вакилларини юбориш масаласини муҳокама қилгаэ эдик. Бу вакилларга давлат вазири Тим Эггар бошчилик қилиши ва Сизга ушбу мактубни топшириши мен учун кўнгиллидир.

Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётини янада юксалтиришга қатъий аҳд қилганингизни биламан. Табиат ресурсларидан фойдаланишда Ўзбекистонга кўмаклашиш учун имконияти катта кўпгина Британия компаниялари намояндалари шу делегация таркибида бор. Масалан, «Лонро», «Трафальгар Хаус», «Жи-пи-ти», «Бэбкок», «Барклейз» ва «Ротшильд» каби Британия компаниялари кон-руда саноатида, қурилишда, телекоммуникация, энергетика ва молиявий хизмат кўрсатишда Ўзбекистонда ўз бизнесини янада чуқурлаштириш ниятидадир. «Мередит Жоунс» билан «Фарғона» қўшма корхонасини барпо этиш хусусидаги музокаралар муваффақиятли ўтаётганини ва республикангизда тамаки саноатини ривожлантириш тўғрисида яқинда битим имзоланганини эшитиб хурсанд бўлдим.

Делегация ташрифи чоғида тузилажак савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон—Британия кенгаши ўзаро савдо-сотиқнинг ҳамма жиҳатларини муҳокама қилиш учун компанияларимизга бебаҳо имконият беради. Бу Кенгаш сизнинг қўллаб-қуватлашингиздан манфаатдорлигини биламан.

Тошкентдаги элчимиз мамлакатларимиз ўртасида барча соҳалардаги алоқаларни кенгайтираверади, мен эса Ўзбекистонга ташриф буюриш тўғрисидаги эзгу таклифингизни қулай пайтда қабул қилиш имконига эга бўламан, деб умид қиламан.

Самимий ҳурмат билан,

**Жон МЕЙЖОР,**
**Буюк Британия бош вазири.**

1994 йил 19. май.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДА

«Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 63 ва 72-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. **МАШАРИПОВ Мадраҳим Нурматович,**
**ТУРҒУНОВ Абдумалик,**
**ҒАЙБУЛЛАЕВ Жўрабой Усмонқулович,**
**ҒАНИЖОНОВ Мамажон** Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари этиб сайлансин.

2. **МАТАШОВА Наталия Викторовна** — Ўзбекистон Республикасидан кўчиб кетганлиги муносабати билан;
**МУСУРМОНҚУЛОВ Назарқосим Ортиқбоевич** — бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан;
**НИЯТОВ Абдусаттор** — вафот этганлиги муносабати билан;
**ТУРҒУНБОЕВ Обиджон Турғунбоевич** — бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан уларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси ваколатлари тугатилган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи**

**Э. ХАЛИЛОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 6 май.

## ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Янгийўл шаҳар кенгашининг сессияси бўлди. Унда ташкилий масала кўрилди. Ш. Каримов аризасига мувофиқ шаҳар ҳокими вазифасидан озод этилди. Янгийўл шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келаётган Ш. Қорабоев шаҳар ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда Тошкент вилояти ҳокими М. Икромов сўзга чиқди.

(ЎзА).

## ФИДОЙИЛАР КЕРАКДИР ЮРТГА

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. Расулов 26 май куни Чироқчи туманидаги «Чияли» жамоа-ширкат хўжалиги ғаллакорлари, комбайнчилари билан учрашди.

— Республикамизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, Ўзбекистонни чинакам буюк давлатга айлантириш — юрт фарзандларининг асосий бурчи,— деди у учрашувда.— Президентимизнинг мамлакатда ғалла етиштиришни кўпайтиришга қатъий даъват этаётгани бежиз эмас. Бу йил ғалла экин майдонлари анча кўпайтирилди. Эндиги вазифа ғаллани нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб олишдан иборат. Бунинг учун ҳақиқий фидойилар керак. Бу муҳим ишда партиямиз аъзолари ўз намунали меҳнатлари билан барчага ибрат бўлишлари керак. Бошланғич партия ташкилотлари эса уларнинг ташаббусларини фаол қўллаб-қувватлаши муҳимдир.

Биринчи котиб ғаллакорлар билан учрашувда биргуруҳ янги партия аъзоларига партия билетларини топширди.

У Қамаши туманидаги Қамаши шаҳар улгуржи савдо базасига қарашли янги тикувчилик кичик корхонаси фаолияти билан танишди. Бу ерда 60 нафар хотин-қиз ҳар хил турдаги болалар кийим-кечаклари тикиш билан шуғулланмоқда. Бу ерда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, одамларни иш ўринлари билан таъминлаш борасида ибратли ишлар амалга оширилган.

Шу куни шаҳар, туман партия кенгашлари котиблари ва партия фаоллари билан учрашув ўтказилди. М. Расулов иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида юртбошимизнинг Олий Кенгаш XV сессиясида сўзлаган нутқидан ҳамда Марказий Кенгаш X пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар ва бунда Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг тутган ўрни ҳақида гапирди. Шунингдек, Олий Мажлисга ва маҳаллий кенгашларга бўладиган сайловларга тайёргарликни пухта олиб бориш тўғрисида ҳам тўхталди.

**М. КАРОМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ҚАРДОШЛИК ТАНТАНАСИ

Республикамизда ўтган Қозоғистон кунлари икки халқ, икки давлат тарихида муҳим воқеа сифатида қайд этилса ажаб эмас. Бир ҳафта мобайнида Ўзбекистон пойтахти — Тошкентда, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказида, юртимизнинг шаҳар-қишлоқларида дўстлик, биродарлик, қон-қардошлик гантаналари ўзгача файзу тароват билан давом этди.

Қардошлик анжуманлари, ўзаро борди-келдилар, адабиёт ва санъат декадалари собиқ СССР салтанати даврида ҳам кўп бўлган. Дўстлик, қардошлик, қондошлик борасидаги сўзларни ҳам хўп эшитганмиз. Аммо, икки халқ вакилларидаги бу қадар ҳамжиҳатлик, бу қадар самимият ва илиқликни энди кўришимиз. Бу кунлар, ҳар иккала халқ учун ҳам, ўз биродарини, ўз қардошини қайтадан таниш, англаш онлари бўлди. Негаки, аввалги қардошлик анжуманларидан фарқли ўлароқ, бу галги дўстлик маросимлари ҳар иккала давлатнинг мустақиллиги ва эгаменлиги шароитида ўтди. Шу боис, улар фақат халқларимизнинг маънавий, руҳий алоқалари билан эмас, балки икки халқ вакилларининг иқтисодиёт, тадбиркорлик, ишбилармонлик борасидаги фикр алмашувлари, икки давлат раҳбарларининг ўзаро муносабатларга доир учрашув ва суҳбатлари билан ҳам айрича аҳамият касб этди. Анжуман кунлари икки томонлама муҳим ҳужжатлар ҳам имзоланди. Хуллас, республикамизда ўтган Қозоғистон кунлари икки халқ, икки давлат муносабатларини янги босқичга кўтарди, чинакамига қардошлик тантанасига айланди.

27 май куни «Туркистон» саройида Ўзбекистонда Қозоғистон Республикаси кунларининг ёпилишига бағишланган тантанали маросим бўлди. Уни мазкур анжуманни ўтказиш республика ташкилот қўмитасининг раиси, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков кириш нутқи билан очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистонда Қозоғистон Республикаси кунлари қатнашчиларининг бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев ўқиб берди. И. Жўрабеков унвон ва фахрий ёрлиқ соҳибларини самимий қутлаб, мукофотларни топширди.

Республика Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев Ўзбекистонда Қозоғистон кунлари муносабати билан ўтказилган тадбирлар ҳақида ахборот берди. Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Т. Абулсеитов Ўзбекистонда Қозоғистон кунлари катта муваффақият билан ўтганини таъкидлаб, ўзбек заминида кўрсатилган иззат-икром учун ўзбек халқига, Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон Президенти Фармони билан мукофотланганлар номидан сўзга чиққан Қозоғистон халқ артисти Т. Жамонқулов ўзбек, қозоқ халқларининг азалий дўстлиги, хос хусусиятлари ҳақида гапирди. Алоҳида эътибор учун ўзбек халқига, Ўзбекистон Президентига олқишлар айтди.

Ўзбекистон халқ шоири Х. Худойбердиева Ўзбекистонда ўтган Қозоғистон кунларининг аҳамияти, қардошлик алоқаларининг абадийлиги хусусида сўзлади.

Ўзбекистонда Қозоғистон Республикаси кунларининг ёпилишига бағишланган маросим сўнгида Қозоғистон ва Ўзбекистон санъат усталари иштирокида катта концерт бўлди.

ЎзА.

## ҚОЗОҒИСТОН ЭЛЧИХОНАСИ ОЧИЛДИ

Тошкент шаҳрида Қозоғистон Республикасининг элчихонаси очилди. Элчихона биноси узра Қозоғистон Республикаси байроғи ҳилпирайди. Давлат мадҳияси янгради. Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Н. Искалиев йиғилганларни икки мамлакат дипломатия муносабатларидаги муҳим воқеа билан қутлади. Икки дўст мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари — С. Саидқосимов ва Қ. Саудабаев элчихонанинг очилиши халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади, деб ишонч билдирдилар.

Маросимда Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков иштирок этди.

(ЎзА).

*Диққат: янгилик!*

## ПАХТАЧИЛИКДА ЛАЗЕР НУРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ҳозирги замон фанининг ютуқларини пахтачиликда омилкорлик билан қўлланиш натижасида унинг ривожланишини тезлаштириш имконияти туғилмоқда.

Айниқса, қишлоқ хўжалиги учун йил бошиданоқ ноқулай келиб, экиш кечикиб кетган, сел-ёмғирлар натижасида далаларга чигитни қайта-қайта экишга мажбур бўлинаётган пайтда қуйидаги тажрибамиз қўл келади, деб ўйлаймиз.

Термиз Давлат университети ва Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Сурхондарё филиали олимлари ҳамкорликда сўнгги йилларда фаннинг баъзи йўналишлари устида илмий изланишлар ўтказмоқдалар. Шулардан бири лазер нурининг ғўза ривожига таъсирини ўрганишдир.

Бизнинг кузатишлар даставвал ЎзПИТИнинг Сурхондарё филиали далаларида олиб борилди. Олинган ижобий натижалар умумлаштирилиб, 1986 йилдан бошлаб Қизириқ туманидаги «Кунчиқиш» ва «Гиламбоп» жамоа хўжаликларида катта майдонларда тажриба ўтказилди.

Денов районидаги «Наврўз», Қизириқ туманидаги Охунбобоев номли, «Гиламбоп», «Кунчиқиш», Музробод туманидаги Абдулла Набиев номли, Термиз туманидаги «Намуна», Денов туманидаги Собир Раҳимов номли ва Олтинсой туманидаги «Ленинград» жамоа хўжаликлари далаларида ўтказилган тажрибалар ҳам ижобий натижалар берди. Лазер қурилмалари Термиз Давлат университети ва «Наврўз» ҳамда «Гиламбоп» жамоа хўжаликларида ўрнатилган.

Кузатишлар ўрта толали ғўзанинг «Андижон—60», «Бухоро—6» ва ингичка толали ғўзанинг биринчи тип («Ашхобод—25»), иккинчи тип («Термиз—24») ва учинчи тип тола берадиган («Термиз—7», «Термиз—14», «Термиз—16») навларида олиб борилди. Чигит экиш олдидан 5—15 кун илгари лазер нури билан уч, беш, ўн, ўн беш, йигирма, йигирма беш, ўттиз, қирқ, эллик, олтмиш минут давомида бир, уч, беш, етти, ўн ва ўн беш мартагача нурлантирилиб дастлаб ЎзПИТИнинг Сурхондарё филиали далаларида 1984—1989 йиллар давомида кичик майдонларда тўлиқ синовдан ўтказилди. Маълум бўлишича, чигит лазер нури билан экиш олдидан нурлантирилганда унинг унувчанлиги нурлантирилмаган чигитларга нисбатан 10—15 фоиз ошди. Чигит лазер нури билан нурлантирилганда унинг униб чиқиши тезлашибгина қолмайди. Балки чигитда ўтадиган физиологик жараёнларни тезлаштириб, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосил тўплаши, гуллаши ва кўсакларнинг очилишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Чигитни экиш олдидан лазер нури билан беш-етти марта 15—20 минут давомида нурлантирилганда, нурлантирилмаган чигит экилган далаларга нисбатан ўсимликнинг гуллаши ва кўсакларнинг очилиши 5—8 кунга тезлашади. Ўсимликда шона, гул каби ҳосил тугунчалари кўпроқ сақланади. Кўсаклар йирик, салмоқли бўлади. Яна шу нарса ҳам кузатилдики, чигит экиш олдидан нурлантирилганда ғўза нурлантирилмасдан экилган далаларга нисбатан об-ҳаво ниҳиқликларига анча чидамли ва бардошли бўлар экан. Қизириқ туманидаги Охунбобоев ва Термиз туманидаги «Намуна» жамоа хўжаликларида 1991—93 йилларда чигит экиш олдидан нурлантириб экилган далалардаги ёғингарчилик кўп бўлиши туфайли кучли қатқалоқ юзага келса ҳам кўчатлар тўлиқ униб чиқди. Лекин лазер нури билан нурлантириб экилмаган далалардаги чигитнинг кўпи қайта экилди.

Нурлантирилмаган чигитлар қатқалоққа бардош бера олмади. Яна шу нарса аниқландики, чигит экиш олдидан нурлантириб экилганда ўсимлик вилт, илдиз чириш ва гоммоз касалликлари билан 2—3 марта кам касалланади.

Бу йилги об-ҳаво шароитида, яъни ёғингарчилик ва селлар туфайли кўпчилик хўжаликларда чигит кеч экилмоқда. Арпадан бўшаган айрим далаларга ҳам чигит экиш мўлжалланмоқда. Ана шу майдонларга ва чигит қайта экиладиган далаларга уруғликни лазер нури билан нурлантириб экишни тавсия этамиз. Шунда самара янада юқори бўлади.

**Н. ТУРАЕВ,**
**Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор.**

**М. ТОЖИЕВ,**
**Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.**

*Ўзбекистон Республикасининг Қонуни*

# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВ ТЎҒРИСИДА

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1-модда. Сайлов ўтказишнинг асосий принциплари**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиялилик асосида беш йил муддатга ўтказилади.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар.

**2-модда. Умумий сайлов ҳуқуқи**

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига депутатлар сайлови умумийдир. Ўзбекистон Республикасининг сайлов кунигача 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Сайлов кунигача 21 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бир вақтнинг ўзида ҳокимиятнинг иккитадан ортиқ вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмас.

**3-модда. Тенг сайлов ҳуқуқи**

Ҳар бир фуқаро-сайловчи бир овозга эга.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ижтимоий келиб чиқиши, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусияти, шахсий, ижтимоий ва мулкий мавқеидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

**4-модда. Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи**

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари фуқаролар томонидан бевосита сайланадилар.

**5-модда. Яширин овоз бериш**

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларининг сайловида эркин ва яширин овоз берилади. Овоз берувчиларнинг хоҳиш-иродаси назорат қилинишига йўл қўйилмайди.

**6-модда. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишдаги ошкоралик**

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни сайлов комиссиялари очиқ ва ошкора амалга оширадилар. Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, комиссияларнинг жойлашган манзили ва иш вақтидан воқиф этадилар; сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништирадилар, депутатликка номзодлар хусусидаги маълумотлардан, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қиладилар. Сайлов комиссияларининг мажлисларида, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаш чоғида депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, ҳокимиятнинг вакиллик органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан биттадан вакил (кузатувчи), матбуот, телевидение ва радио вакиллари ҳозир бўлиш ҳуқуқига эгадирлар. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

Депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар, ҳокимиятнинг вакиллик органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз вакиллари тўғрисида округ сайлов комиссияларига сайловга кечи билан ўн беш кун қолганида маълум қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб борадилар.

## II. САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ ВА САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИ

**7-модда. Сайлов округлари тузиш**

Депутатлар сайловини ўтказиш учун:

халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига депутатлар сайлашда — 60 тадан кўп бўлмаган:

халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига депутатлар сайлашда — 30 тадан кўп бўлмаган ҳудудий сайлов округи тузилади.

Ҳар бир сайлов округидан тегишли халқ депутатлари Кенгашига битта депутат сайланади.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов округлари сони аҳолининг, сайловчиларнинг сонини, ҳудудни ва бошқа маҳаллий шароитларни инобатга олган ҳолда ушбу Қонунда белгиланган нормалар доирасида тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан белгиланади.

Сайлов округлари тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари томонидан, қоида тариқасида, сайловчилар сони тенг ҳолда тузилади. Сайлов округларининг чегаралари вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг маъмурий-ҳудудий тузилишини инобатга олган ҳолда белгиланади.

Тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси сайлов округлари рўйхатини уларнинг чегаралари ва сайловчилар сонини кўрсатган ҳолда сайлов тайинланганидан кейин кечи билан ўн беш кун ичида эълон қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 99-моддасига мувофиқ туманга бўйсунадиган шаҳарларда, шунингдек шаҳар таркибига кирувчи туманларда халқ депутатлари Кенгашлари ва тегишли Кенгашларга сайлов ўтказувчи сайлов округлари тузилмайди, депутатлар сайланмайди.

**8-модда. Сайлов участкалари тузиш тартиби ва нормаси**

Сайлов участкалари сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида туманлар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инобатга олган ҳолда тузилади. Сайлов участкалари ҳарбий қисмларда ҳам тузилади.

Санаторийлар, дам олиш уйлари, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда сайлов участкалари тузилиши мумкин. Бу сайлов участкалари ўзлари жойлашган ердаги сайлов округлари таркибига киради.

Сайлов участкалари туман, шаҳар ҳокимларининг тақдимномасига биноан, ҳарбий қисмларда — ҳарбий қисмлар ёки ҳарбий қўшилмалар командирларининг тақдимномасига биноан туман, шаҳар сайлов комиссиялари томонидан тузилади.

Сайлов участкалари сайлов тайинланганидан кейин ўттиз кундан кечикмай тузилади. Ҳарбий қисмларда, олис ва бориш қийин бўлган ерларда ҳам сайлов участкалари ана шу муддатда, айрим ҳолларда эса — истисно тариқасида сайловга камида беш кун қолганида тузилади.

Сайлов участкалари, қоида тариқасида, камида 20 нафар ва кўпи билан 3000 нафар сайловчидан иборат этиб тузилади.

Овоз беришни ташкил этиш учун ҳар бир сайлов участкасига туман, шаҳар ҳокимлиги бино ажратади.

Туман, шаҳар сайлов комиссияси сайлов участкаларининг тартиб рақамини белгилайди ҳамда участка сайлов комиссиясининг ва овоз бериш биносининг манзилини кўрсатган ҳолда ҳар бир сайлов участкасининг чегаралари тўғрисида сайловчиларни хабардор этишни ташкил қилади.

## III. САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ

**9-модда. Сайлов комиссиялари тизими**

Сайловни ташкил этиш ва ўтказиш учун:

халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси;

халқ депутатлари туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси;

халқ депутатлари шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси;

округ сайлов комиссиялари;

участка сайлов комиссиялари тузилади.

**10-модда. Вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясини тузиш**

Вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан сайлов тайинланганидан кейин кечи билан ўн кун ичида комиссия раиси ва 6 — 14 нафар бошқа аъзосидан иборат таркибда тузилади.

Комиссия раисининг ўринбосари ва комиссия котиби комиссиянинг биринчи мажлисида унинг аъзолари орасидан сайланади. Вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси ўз таркиби, жойлашган манзили ва телефон рақамларига доир маълумотларни расмий маҳаллий матбуот органларида эълон қилади.

**11-модда. Вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясининг ваколатлари**

Вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси:

1) тегишли ҳудудда ушбу Қонуннинг ижросини назорат қилади, унинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлайди ва сайловни ташкил этишга доир масалалар юзасидан изоҳлар бериб боради;

2) тегишинча халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов округларини тузади, уларга ном ва тартиб рақами беради;

3) тегишли халқ депутатлари Кенгашига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузади ва уларнинг жойлашган манзили тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади;

4) тегишли сайлов комиссияларининг фаолиятини йўналтириб боради, уларнинг таркибига ўзгартишлар киритиш тартибини белгилайди, округ ва участка сайлов комиссияларининг қарорларини башарти бу қарорлар ушбу Қонунга зид бўлса, мустақил тарзда ёки вилоят, туман, шаҳар прокурорининг тақдимномасига биноан бекор қилиши мумкин;

5) депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, ҳокимиятнинг вакиллик органларидан ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан тегишли ҳужжатларни қабул қилиб олади;

6) тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олади ва улар тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади;

7) депутатликка номзодлар сайлов кампаниясида иштирок этишлари учун тенг шароитлар таъминлайди;

8) пул маблағларини тегишли сайлов комиссиялари ўртасида тақсимлайди, сайлов комиссиялари бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади, сайловни моддий-техника жиҳатидан таъминлашга доир бошқа масалаларни кўриб чиқади;

9) тегишли халқ депутатлари Кенгаши сайловига доир сайлов бюллетенлари, сайловчилар рўйхатлари, сайлов комиссиялари баённомалари, сайлов варақалари, ўз муҳри, сайловга оид бошқа ҳужжатларнинг шаклларини тасдиқлайди ва тайёрланишини таъминлайди;

10) сиёсий партиялар, маҳаллий давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари вакилларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини тинглайди;

11) тегишли халқ депутатлари Кенгашига ўтказилган сайлов якунларини чиқаради, сайланган депутатларни рўйхатга олади, сайлов якунларига доир маълумотларни ва сайланган депутатларнинг рўйхатини матбуотда эълон қилади;

12) депутатларнинг ваколатларини текшириш учун зарур ҳужжатларни тегишли халқ депутатлари Кенгашининг Мандат комиссиясига топширади;

13) такрорий сайлов ўтказиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади;

14) тегишли сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

15) ушбу Қонун жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўладиган тарзда бузилганлигига доир материалларни прокуратура органларига оширади;

16) сайловни ўтказиш ва уни ташкил этиш билан боғлиқ ҳужжатлар архивларга ўтказилишини таъминлайди;

17) ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.

**12-модда. Округ сайлов комиссиясини тузиш**

Округ сайлов комиссияси тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари томонидан сайлов тайинланганидан кейин кечи билан йигирма кун ичида комиссия раиси, раисининг ўринбосари, котиби ва 6 — 8 нафар бошқа аъзосидан иборат таркибда тузилади.

**13-модда. Округ сайлов комиссиясининг ваколатлари**

Округ сайлов комиссияси:

1) сайлов округи ҳудудида ушбу Қонун ижросини назорат қилади;

2) сайлов участкаларининг манзилини округ сайловчилари эътиборига етказади;

3) депутатликка номзодларнинг сайлов кампаниясида иштирок этишлари учун тенг шароитлар таъминлайди;

4) тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган депутатликка номзодларга гувоҳномалар беради;

5) депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга кўмаклашади;

6) депутатликка номзодларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олади ва уларга тегишли гувоҳномалар беради;

7) сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини тинглайди;

8) сайловчиларнинг рўйхатлари тузилиши ва ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилишини кузатиб боради;

9) сайлов округи бўйича сайлов бюллетени матнини тасдиқлайди ва участка сайлов комиссияларини сайлов бюллетенлари билан таъминлайди;

10) сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлайди ва тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига тақдим этади;

11) такрорий овоз бериш ва такрорий сайлов, шунингдек бўшаб қолган ўринга депутат сайлови ўтказилишини ташкил этади;

12) участка сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

13) ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.

**14-модда. Участка сайлов комиссиясини тузиш**

Участка сайлов комиссияси туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан сайлов тайинланганидан кейин кечи билан эллик кун ичида 5-19 нафар аъзодан, шу жумладан, раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади. Башарти, комиссия 7 нафаргача аъзодан иборат таркибда тузилса, раис ва котиб сайланади.

Участка сайлов комиссияси таркибининг сони зарур ҳолларда кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

**15-модда. Участка сайлов комиссиясининг ваколатлари**

Участка сайлов комиссияси:

1) участка бўйича сайловчиларнинг рўйхатини тузади;

2) сайловчиларни сайловчилар рўйхати билан таништиради, рўйхатда йўл қўйилган хатолар ва ноаниқликлар тўғрисидаги аризаларни қабул қилади ва кўриб чиқади ҳамда рўйхатга тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этади;

3) сайлов куни ўз турар жойида бўлиш ва овоз беришда иштирок этиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилардан сайлов варақаси солинган ёпиқ ҳолдаги конвертларни қабул қилиб олади;

4) аҳолини сайлов куни ва овоз бериш жойи тўғрисида хабардор этади;

5) овоз бериш биноси ва сайлов қутилари ҳамда бошқа сайлов ашёлари тайёрлаб қўйилишини таъминлайди;

6) сайлов куни сайлов участкасида овоз беришни ташкил этади;

7) сайлов участкасида берилган овозларни ҳисоблаб чиқади;

8) сайловга тайёргарлик кўриш ва овоз беришни ташкил этиш масалалари юзасидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

9) ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.

**16-модда. Сайлов комиссияларига аъзолик**

Комиссиянинг аъзоси шахсан берган аризасига мувофиқ, шунингдек ваколатларидан маҳрум этилган тақдирда ўз вазифасини бажаришдан озод қилиниши мумкин.

Комиссия аъзосини ваколатларидан маҳрум этиш ҳуқуқи комиссияни тузган органга тегишли бўлиб, комиссия аъзоси ушбу Қонун талабларини бузгани ёки ўз вазифаларини мунтазам равишда эътиборсиз қолдириб келгани тақдирда ўз ваколатларидан маҳрум этилади.

Зарурат бўлганда сайлов комиссиясининг янги аъзоси ушбу Қонунда белгиланган тартибда тайинланади.

Сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва бошқа аъзолари сиёсий партияларнинг аъзоси бўлишлари мумкин эмас. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар сайлов комиссияларига аъзо бўлишлари мумкин эмас.

Бир шахс фақат битта сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин.

**17-модда. Сайлов комиссияларининг ишини ташкил этиш ва уларнинг ваколат муддати**

Башарти, сайлов комиссиясининг мажлисида комиссиянинг мажлис ўтказилаётган кундаги мавжуд таркибининг камида учдан икки қисми иштирок этса, мажлис ваколатли ҳисобланади. Комиссия қарори очиқ овоз бериш орқали комиссия умумий таркибининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Қарорга рози бўлмаган комиссия аъзолари ўзларининг алоҳида фикрларини билдиришга ҳақлидирлар, бу фикр ёзма шаклда баённа илова қилинади. Агар овозлар тенг бўлиниб қолса, раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи кучга эга бўлади.

Сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарори қуйи сайлов комиссияларининг, шунингдек тегишли маҳаллий давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг, меҳнат жамоалари ва ҳарбий қисмларнинг, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг ижроси учун мажбуридир.

Сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби ёки аъзоларидан бошқа бири комиссиянинг қарорига биноан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилиниши мумкин. Бунда сайловни ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан унинг ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади.

Давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар сайлов комиссияларига ўз ваколатларини амалга оширишлари учун ёрдам беришлари, уларнинг иши учун зарур маълумотларни тақдим этишлари шарт.

Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун керакли бинолар ва жиҳозларни сайлов комиссиялари ихтиёрига бепул бериб турадилар.

Сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан тегишли маҳаллий давлат органлари ва жамоат бирлашмалари органларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Улар кўпи билан уч кун ичида комиссия ўртага қўйган масалани қараб чиқишлари ва сайлов комиссиясига жавоб қайтаришлари шарт.

Округ ва участка сайлов комиссиялари тегишли халқ депутатлари Кенгаши тегишли сайлов округлари бўйича халқ депутатларининг ваколатларини эътироф этганидан кейин ўз фаолиятларини тўхтатадилар.

Вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари тегишли халқ депутатлари Кенгашига сайлов ўтказувчи барча сайлов округларида депутатлар сайлаб бўлганидан кейин ўз фаолиятларини тўхтатадилар.

**18-модда. Сайлов комиссияларининг қарорлари устидан тушган шикоятларни қараб чиқиш**

Депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар-нинг органлари, ҳокимиятнинг вакиллик органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, депутатликка номзодлар, кузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан юқори сайлов комиссиясига ёки судга қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида шикоят билан мурожаат этишлари мумкин. Шикоят келиб тушганидан кейин уч кун ичида, агар сайловга олти кундан кам вақт қолган бўлса, дарҳол кўриб чиқилиши лозим.

## IV. САЙЛОВНИ ТАЙИНЛАШ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН, ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИШ ВА УЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

**19-модда. Депутатлар сайловини тайинлаш**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига депутатлар сайлови, қоида тариқасида, бир вақтда ўтказилади ва депутатларнинг ваколат муддати тугашига кечи билан уч ой қолганида Олий Мажлис томонидан тайинланади.

Сайлов тайинланганидан кейин кечи билан уч кун ичида сайлов куни тўғрисида матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида маълум қилинади.

**20-модда. Депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи**

Халқ депутатлари вилоят Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари эгадирлар.

Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эгадирлар.

Сиёсий партия сайлов тайинланган кундан камида олти ой олдин қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олинган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин.

**21-модда. Сайловда иштирок этиш учун сиёсий партиялар тақдим этадиган ҳужжатлар**

Депутатликка номзодлар кўрсатиш учун сиёсий партия сайлов тайинланганидан кейин йигирма кун ичида тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

сиёсий партиянинг тегишли вилоят, туман, шаҳар органи раҳбари имзолаган сайловда қатнашиш тўғрисидаги ариза;

сиёсий партия сайлов тайинланган кундан камида олти ой олдин рўйхатга олинганлиги тўғрисида маълумотнома.

Мазкур ҳужжатлар тақдим этилганидан кейин тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси сиёсий партия вакилига ариза қабул қилинган кун қайд этилган маълумотнома беради. Сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида партиянинг сайловда қатнашишига ижозат бериш ёки бермаслик тўғрисида беш кун муддатда узил-кесил қарор қабул қилади. Сайловда иштирок этувчи партияларнинг рўйхати аризалар келиб тушиши навбатига қараб тегишли вилоят, туман, шаҳар матбуотида эълон қилинади.

**22-модда. Депутатликка номзодлар кўрсатиш тартиби**

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлигига номзодлар кўрсатиш сайлов куни тайинланганидан кейин йигирма бешинчи кундан эътиборан бошланади ва сайловга қирқ беш кун қолганида тўхтатилади.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашлари депутатлигига номзодлар сиёсий партияларнинг вилоят органлари томонидан ҳамда халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларида кўрсатилади.

Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар сиёсий партияларнинг тегишли туман, шаҳар органлари томонидан ҳамда фуқаролар йиғинлари (вакилларининг йиғилишлари)да кўрсатилади.

Сиёсий партиялар, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда жойлашган ҳар бир сайлов округи бўйича биттадан депутатликка номзод кўрсатишга ҳуқуқлидирлар. Башарти, тегишли халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов округи ҳудудида икки ва ундан ортиқ ўзини ўзи бошқариш органи жойлашган бўлса, депутатликка номзод бу органлар вакилларининг йиғилишида кўрсатилади. Йиғилишда иштирок этадиган вакиллар нормасини тегишли туман, шаҳар сайлов комиссияси белгилайди.

Депутатликка, қоида тариқасида, тегишли вилоят, туман ёки шаҳар ҳудудида ишловчи ёки яшовчи фуқаролар номзод этиб кўрсатиладилар. Бир шахс тегишли халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи фақат битта сайлов округи бўйича депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин. Депутатликка номзодлар танлаш тартибини сиёсий партиялар, ҳокимиятнинг вакиллик органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзлари белгилайдилар.

Сиёсий партиялар фақат ўз партияси аъзоларини ёки партиясизларни, вакиллик ҳокимиятининг туман, шаҳар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эса, шахсларни у ёки бу партияга мансублигидан қатъи назар, депутатликка номзод этиб кўрсатишга ҳуқуқлидир. Депутатликка номзодлар кўрсатилганлиги тўғрисида баён тузилади.

Сиёсий партия тегишли органининг, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг раҳбари депутатликка номзодларни рўйхатга олиш илтимоси баён этилган ариза билан тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига мурожаат қилади. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

сиёсий партия тегишли органининг, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашининг, фуқаролар йиғинининг (вакиллар йиғилиши) ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари йиғилишининг депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги қарори;

сиёсий партия тегишли органининг, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашининг, фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши)нинг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари йиғилишининг депутатликка номзод кўрсатиш тўғрисидаги баёни. Баённда депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги, шунингдек сайлов округининг номи ва тартиб рақами кўрсатилади;

депутатликка номзоднинг тегишли сайлов округидан номзоди овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси;

ушбу Қонун 23-моддасининг иккинчи қисмида қайд этиб ўтилган шахслар учун, улар депутат этиб сайлангудек бўлсалар, эгаллаб турган лавозимларидан бўшаш тўғрисидаги аризалари.

Ҳужжатларни тақдим этган шахсга тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана ва вақт кўрсатилган маълумотнома беради.

Тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси етти кун ичида тақдим этилган ҳужжатларни текшириб чиқади ва уларнинг ушбу Қонун талабларига қай даражада мувофиқлиги тўғрисида ўз хулосасини беради.

Вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган номувофиқликлар ва ушбу Қонун талабларидан четга чиқиш ҳоллари тўғрисида сиёсий партиялар тегишли органларининг, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг раҳбарларини белгиланган тартибда хабардор этади.

**23-модда. Депутатликка номзодларга қўйиладиган талаблар**

Қуйидагилар:

судланганлиги қонунда белгиланган тартибда бекор қилинмаган ёки олиб ташланмаган фуқаролар;

сайлов тайинланган кунга қадар сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшамаган фуқаролар;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Миллий хавфсизлик хизматининг, Ички ишлар вазирлигининг, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари;

диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайдилар.

Судьялар ва прокуратура органларининг мансабдор шахслари депутат этиб сайлангудек бўлсалар, эгаллаб турган лавозимларидан бўшаш тўғрисида ариза берганлари тақдирдагина депутатликка номзод этиб рўйхатга олинадилар.

**24-модда. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш**

Тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси сиёсий партиялардан, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун ҳужжатларни қабул қилишни рўйхатга олиш муддати тугашига етти кун қолганида тўхтатади.

Ушбу Қонунга мувофиқ депутатликка номзод этиб кўрсатилган шахсга рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилади.

Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўттиз беш кун қолганида тўхтатилади.

Тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси депутатликка номзодлар рўйхатга олинганидан кейин беш кун ичида депутатликка номзоднинг фамилиясини, исми ва отасининг исмини, туғилган йилини, партияга мансублигини, эгаллаб турган лавозимини (машғулотининг турини), иш ва турар жойини, шунингдек уни депутатликка номзод этиб кўрсатган органнинг номини қайд этган ҳолда рўйхатга олинганлик тўғрисидаги хабарни маҳаллий матбуотда эълон қилади.

## V. САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ. ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

**25-модда. Сайловолди ташвиқоти**

Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади.

Депутатликка номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда, ўз сайловчилари билан ҳам йиғилишларда, ҳам сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқлар берилади. Сайловчиларнинг йиғилишлари участка сайлов комиссияси томонидан туман, шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда ташкил этилади. Сайлов комиссиялари, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимликлари депутатликка номзодларга йиғилишлар ўтказиш учун жиҳозланган бинолар ажратадилар. Депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан йиғилишлари ва учрашувлари иш вақтидан бошқа пайтда ўтказилади. Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ва жой сайловчиларга барвақт хабар қилинади.

Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда ёрдам кўрсатишлари шарт.

Сиёсий партияларга ўзининг келгуси фаолият дастури билан чиқиш ҳуқуқи берилади. Партиялар ва депутатликка номзодларнинг дастурлари республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилган бўлмаслиги, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилмаслиги, унда уруш, миллий адоват, ирқий ва диний хусумат тарғиботи, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини камситувчи хатти-ҳаракатларга даъват бўлмаслиги керак.

Сайлов куни ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди.

**26-модда. Ишончли вакиллар**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод уч нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши мумкин. Ишончли вакиллар номзод депутат этиб сайланиши учун ташвиқот юритадилар, маҳаллий давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, сайловчилар билан ўзаро муносабатларга, шунингдек сайлов комиссияларида номзоднинг манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Депутатликка номзод рўйхатга олингандан кейин ўз ишончли вакилларини ўзи белгилайди ва бу ҳақда округ сайлов комиссиясига маълум қилади. Сайлов комиссияси ишончли вакилларни рўйхатга олиб, уларга гувоҳнома беради.

Депутатликка номзод округ сайлов комиссиясига маълум қилган ҳолда сайловга қадар ўз ишончли вакилини истаган вақтда ваколатидан маҳрум қилиши ва уни бошқаси билан алмаштириши мумкин. Ишончли вакил истаган вақтида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилишга ҳақли.

Ишончли вакил сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

**27-модда. Депутатликка номзоднинг транспортда текинга юриш ҳуқуқи**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод рўйхатга олинганидан кейин тегишли сайлов округи доирасида давлат пассажир транспортининг барча турларида (таксидан ва транспорт бошқа турларининг буюртма йўналишларидан ташқари) текинга юриш ҳуқуқига эга бўлади. Сайлов округидан ташқарида яшовчи депутатликка номзод ҳам сайлов округига келиш ва ундан турар жойига қайтишда ана шундай ҳуқуқдан фойдаланади.

**28-модда. Депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этиш. Депутатликка номзодликдан воз кечиш**

Сиёсий партия, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сайловга қадар исталган вақтда у ёки бу шахсни депутатликка номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай шахс тегишли вилоят, туман ёки шаҳар сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этилади. Сиёсий партия, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи депутатликка номзодлар кўрсатиш муддати тугагунига қадар тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига янги номзодни рўйхатга олиш тўғрисида таклиф киритиши мумкин.

(Бошн. Давоми 3-бетда).

*Ўзбекистон Республикасининг Қонуни*

# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 2-бетда).

Рўйхатга олинган депутатликка номзодлар уларни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия ўз фаолиятини тўхтатган тақдирда ҳам депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум бўладилар.

Депутатликка номзод сайловга қадар истаган вақтида номзодликдан воз кечиши мумкин. Бунинг учун у тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат қилади.

## VI. САЙЛОВЧИЛАРНИНГ РЎЙХАТЛАРИ. САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ

**29-модда. Сайловчиларнинг рўйхатларини тузиш**

Сайлов кунига қадар ёки сайлов кунида 18 ёшга тўладиган, рўйхат тузилаётган вақтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиб келаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг фамилиялари сайловчилар рўйхатига киритилади.

Ҳар бир сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин.

Сайловчилар рўйхати ҳар бир сайлов участкаси бўйича участка сайлов комиссияси томонидан тузилиб, уни комиссия раиси ва котиби имзолайди. Участка сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатини тузиш ишида қатнашишга жамоатчилик вакилларини жалб этиши мумкин.

Туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимликлари сайловчиларни ҳисобга олишни таъминлайдилар ва участка сайлов комиссияларига тегишли ҳудудда истиқомат қилувчи сайловчилар тўғрисида сайловчилар рўйхатини тузиш учун зарур маълумотларни берадилар.

Ҳарбий қисмлардаги сайловчи-ҳарбий хизматчиларнинг, шунингдек ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ва бошқа сайловчиларнинг рўйхатлари, башарти улар ҳарбий қисмлар жойлашган ерда истиқомат қилсалар, ҳарбий қисмларнинг командирлари тақдим этган маълумотлар асосида тузилади. Ҳарбий қисмлардан ташқарида истиқомат қилувчи ҳарбий хизматчилар ўзларининг турар жойлари бўйича умумий асосларда сайловчилар рўйхатига киритиладилар.

Санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчиларнинг рўйхатлари мазкур муассасалар (идоралар) раҳбарларининг тақдим этган маълумотлари асосида тузилади.

Сайловчиларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатида овоз беришни ташкил этиш учун қулай бўлган тартибда кўрсатилади.

Рўйхатда ҳар бир сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва манзили акс эттирилади.

**30-модда. Фуқароларни сайловчилар рўйхатлари билан таништириш**

Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга ўн беш кун қолганида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган жойларда тузилган сайлов участкаларида эса — сайловга етти кун қолганида ҳамма танишиши учун тақдим қилинади. Участка сайлов комиссияси рўйхат билан танишиш жойи ва вақти тўғрисида сайловчиларни хабардор этади.

Фуқароларга участка сайлов комиссияси биносида сайловчилар рўйхати билан танишиш имконияти таъминланади.

**31-модда. Сайловчилар рўйхатлари хусусида баҳслашув**

Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси сайловчилар рўйхатидаги хато ёки ноаниқлик тўғрисида участка сайлов комиссиясига арз қилиши мумкин. Участка сайлов комиссияси йигирма тўрт соат ичида бундай аризани кўриб чиқиши ва хатони тузатиши ёки аризачига унинг аризаси рад этилишининг асослари кўрсатилган ҳолда маълумотнома бериши шарт.

Сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракати ва қарори устидан қонунда белгилаб қўйилган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

**32-модда. Сайлов бюллетени**

Сайлов бюллетенига депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибида киритилиб, унинг туғилган йили, партияга мансублиги, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) ва уни депутатликка номзод этиб кўрсатган органнинг номи кўрсатилади.

Бюллетенлар давлат тилида, шунингдек тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясининг қарорига биноан сайлов округи аҳолисининг кўпчилиги муомала қиладиган тилларда нашр этилади.

**33-модда. Сайлов бюллетенларини етказиб бериш**

Участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларини округ сайлов комиссияларидан кечи билан сайловга уч кун қолганида оладилар. Бюллетенлар берилганлиги ва олинганлигини тегишли округ ва участка сайлов комиссияларининг раиси ёки раис ўринбосари ёхуд котиби ўз имзоси билан тасдиқлайди.

## VII. ОВОЗ БЕРИШ ВА САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИНИ АНИҚЛАШ

**34-модда. Овоз бериш биноси**

Овоз бериш махсус ажратилган биноларда ўтказилиб, бу биноларда яшириш овоз бериш учун етарли миқдордаги кабина ёки хоналар жиҳозланган, сайлов бюллетенлари бериш учун жой ажратилган ва сайлов қутилари қўйилган бўлиши лозим. Сайлов қутилари уларнинг ёнига овоз берувчилар албатта яшириш овоз бериш кабиналари ёки хоналаридан ўтиб борадиган қилиб жойлаштирилади. Овоз бериш биносида бошқа ҳеч қандай сиёсий тадбир ўтказилишига рухсат этилмайди. Бинони жиҳозлаш ва унда зарур тартибни сақлаб туриш масъулияти участка сайлов комиссияси зиммасида бўлади.

**35-модда. Овоз бериш вақти ва жойи**

Овоз бериш сайлов куни соат 7 дан соат 20 гача ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловчиларни кечи билан сайловга ўн кун қолганида хабардор қилади.

Ҳарбий қисмларда, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, шунингдек олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда тузилган сайлов участкаларида, башарти рўйхатга киритилган барча сайловчилар овоз бериб бўлган бўлса, участка сайлов комиссияси исталган вақтда овоз бериш тугаганлигини эълон қилиши мумкин.

**36-модда. Овоз беришнинг бошланиши**

Сайлов куни овоз бериш биноси участка сайлов комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлгандагина очилади. Раис сайлов комиссиясининг аъзолари ҳозирлигида сайлов қутисини муҳрлайди, сайлов бюллетенларини, сайловчиларнинг рўйхатларини сайлов комиссияси аъзолари ўртасида тақсимлайди ҳамда сайлов бошланганлигини эълон қилади. Бюллетенларнинг умумий сони алоҳида ҳужжат билан расмийлаштирилади.

**37-модда. Сайловчининг шахсини аниқлаш**

Овоз бериш биносига келгач, сайловчи участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга сайлов бюллетени берилади.

Бирор-бир сабабга кўра сайловчилар рўйхатига кирмай қолган сайловчиларнинг фамилиялари сайловчининг шахси, фуқаролиги ва турар жойини тасдиқловчи ҳужжатга асосан сайловчилар рўйхати иловасига киритилади.

**38-модда. Овоз бериш тартиби**

Сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади. Сайлов бюллетенини тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади. Сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра, сайлов комиссияси таркибига кирмаган шахсни кабина ёки хонага таклиф қилишга ҳақлидир.

Сайловда сайловчи ўзи қарши овоз бераётган номзодларнинг сайлов бюллетенидаги фамилияларини ўчиради.

Тўлдирилган бюллетенни овоз берувчи сайлов қутисига ташлайди.

Бузиб қўйилган сайлов бюллетени сайловчининг илтимосига кўра янгиси билан алмаштирилиши мумкин. Бузиб қўйилган сайлов бюллетенлари ҳисобга олиниши, бекор қилиниши ва алоҳида сақланиши лозим.

Сайлов куни ўз турар жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи ўз турар жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини талаб қилиб олиб, бир қарорга келгач, тўлдирилган сайлов варақасини конвертга солиб, уни ёпиқ ҳолда участка комиссиясида қолдириши мумкин. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Сайлов варақасининг шакли тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Айрим сайловчилар саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаганлари тақдирда, участка сайлов комиссияси уларнинг илтимосига кўра комиссия аъзоларига овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этишни топширади.

**39-модда. Сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш**

Овоз бериш тугагач, сайлов қутиларини очишдан олдин участка сайлов комиссиясининг аъзолари иштирокида сайлов варақалари солинган ёпиқ конвертлар қутиларга ташланади. Фойдаланилмаган барча сайлов бюллетенлари участка сайлов комиссияси томонидан санаб чиқилади ва бекор қилинади.

Сайлов қутилари комиссия раиси овоз бериш тугаганлигини эълон қилганидан кейин участка сайлов комиссияси томонидан очилади. Овоз бериш тугагунига қадар сайлов қутиларини очиш тақиқланади.

Участка сайлов комиссияси участкадаги сайловчиларнинг умумий сонини, сайлов бюллетени ва варақаси олган сайловчиларнинг сонини аниқлайди.

Участка сайлов комиссияси сайлов участкасида тегишли халқ депутатлари Кенгашига сайлов бўйича ҳар бир сайлов округи ва ҳар бир номзод бўйича берилган овозларни алоҳида-алоҳида санаб чиқади.

Сайлов қутиларидаги сайлов бюллетенлари ва варақаларига асосан комиссия (мазкур сайлов участкаси доирасидаги ҳар бир сайлов округи бўйича):

овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг умумий сонини;

ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сонини;

ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари ва варақаларини аниқлайди.

Сайловчилар томонидан бюллетенларга ва сайлов варақаларига қўшимча тарзда ёзилган фуқароларнинг фамилиялари бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

Белгиланмаган намунадаги сайлов бюллетенлари ва варақалари, шунингдек овоз бериш чоғида биттадан ортиқ номзоднинг фамилияси қолдирилган бюллетенлар ва варақалар ҳақиқий эмас деб топилади. Сайлов бюллетени, варақасининг ҳақиқийлиги шубҳа туғдирса, масала участка сайлов комиссияси томонидан овозга қўйиш орқали ҳал этилади.

Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссиясининг мажлисида қараб чиқилиб, ҳар бир сайлов округи бўйича тузиладиган баённа акс эттирилади. Баён раис, раис ўринбосари, комиссия котиби, комиссиянинг бошқа аъзолари томонидан имзоланади ва тегишли округ сайлов комиссиясига тақдим этилади.

**40-модда. Округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш**

Участка сайлов комиссияларининг баённлари асосида округ сайлов комиссияси:

округ бўйича сайловчиларнинг умумий сонини;

сайлов бюллетенлари ва варақалари олган сайловчиларнинг сонини;

овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг сонини;

ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозларнинг сонини;

ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари ва варақаларини аниқлайди.

Округ бўйича сайлов натижалари сайлов комиссияси мажлисида аниқланади ва баённа акс эттирилади. Баён раис, раис ўринбосари, комиссия котиби, комиссиянинг бошқа аъзолари томонидан имзоланади ва тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига тақдим этилади.

**41-модда. Депутатлар сайловининг натижаларини аниқлаш**

Тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан олинган баённлар асосида:

вилоят, туман, шаҳар бўйича сайловчиларнинг умумий сонини;

сайлов бюллетенлари ва варақалари олган сайловчиларнинг сонини;

овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг сонини;

ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозларнинг сонини;

депутатликка номзодлар кўрсатган ҳар бир сиёсий партияни ёқлаб берилган овозларнинг умумий сонини;

ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари ва варақалари сонини аниқлайди.

Овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олган депутатликка номзод сайланган деб ҳисобланади.

Башарти, сайловда сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг ярмидан ками иштирок этган бўлса — сайлов ўтмаган деб топилади.

Сайлов чоғида йўл қўйилиб, оқибат натижада овоз бериш якунларига таъсир қилган қоидабузарлик тўғрисида сайлов умуман вилоят, туман, шаҳар бўйича ёки айрим сайлов округлари ёхуд айрим сайлов участкалари бўйича ўтмаган деб топилиши мумкин. Сайловни ҳақиқий эмас деб топишга доир қарор тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан қабул қилинади ва бу қарор устидан сайлов якунлари эълон қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида судга шикоят қилиниши мумкин.

Айрим сайлов участкалари бўйича сайлов ҳақиқий эмас деб топилгани тақдирда тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясининг қарорига биноан ана шу участкалар бўйича овоз бериш натижаларсиз, башарти, бу натижаларсиз ҳам сайлов умуман ҳақиқий деб топилиши мумкин бўлса, сайловнинг умумий натижаларидан чиқариб ташланади.

Тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси сайлов якунлари бўйича баён тузади ва қарор қабул қилади.

**42-модда. Такрорий овоз бериш**

Башарти, сайлов округи бўйича депутатликка икки нафардан ортиқ номзод кўйилган бўлса-ю, улардан бирортаси ҳам сайланмаса, округ сайлов комиссияси энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича округда такрорий овоз бериш ўтказиш ҳақида қарор қабул қилади ва бу хусусда тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси ҳамда округ сайловчиларини хабардор қилади. Такрорий овоз бериш икки ҳафта ичида ушбу Қонуннинг талабларига риоя этган ҳолда ўтказилади.

Такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган депутатликка номзод, башарти, рўйхатга киритилган сайловчиларнинг ярмидан кўпи овоз беришда иштирок этган ва уни ёқлаб берилган овозлар сони унга қарши берилган овозлар сонидан кўп бўлса, сайланган деб ҳисобланади.

**43-модда. Такрорий сайлов**

Қуйидаги ҳолларда:

а) башарти, сайлов округи бўйича сайлов ўтмаган ёхуд ҳақиқий эмас деб топилган бўлса;

б) башарти такрорий овоз бериш сайланган депутатни аниқлаш имконини бермаган бўлса;

в) башарти сайлов округи бўйича депутатликка кўпи билан икки номзод овозга қўйилган бўлса ва улардан бирортаси ҳам сайланмаган бўлса;

г) башарти вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси ушбу Қонун 45-моддасининг учинчи қисмида кўрсатиб ўтилган сабабга кўра депутатни рўйхатга олишни рад этган бўлса, такрорий сайлов ўтказилади.

Такрорий сайлов тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясининг топшириғига биноан округ сайлов комиссияси томонидан ўтказилади. Бунда тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси такрорий сайлов янги таркибдаги округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан ўтказилиши зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Овоз бериш асосий сайлов ўтказиш учун тузилган аввалги сайлов участкаларида ва сайловчиларнинг рўйхатлари бўйича ўтказилади.

Асосий сайловни ўтказиш вақтида номзоди кўрсатилган ва депутатликка номзод этиб рўйхатга олинган шахс мазкур округ ва бошқа округдаги такрорий сайлов чоғида тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлигига номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

Такрорий сайлов асосий сайловдан кейин кечи билан бир ой ичида ўтказилади. Сайлов комиссияларини тузиш, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш ва бошқа тадбирлар ушбу Қонунда белгиланган тартибда ўтказилади.

**44-модда. Бўшаб қолган ўринларга депутатлар сайлови ўтказиш**

Тегишли халқ депутатлари Кенгаши айрим депутатларнинг ваколатларини ҳақиқий эмас деб топган тақдирда, шунингдек депутат чақириб олинган тақдирда, бошқа сабабларга кўра депутатлик ваколатлари муддатидан олдин тўхтатилган ҳолларда тегишли сайлов округларида депутатлик ўрни бўшаб қолган вақтдан бошлаб икки ой ичида янги сайлов ўтказилади. Сайлов тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан сайлов ўтказилишига кечи билан бир ой қолганда тайинланади ва ушбу Қонуннинг талабларига риоя қилган ҳолда ташкил этилади. Бунда тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси тузилмайди. Унинг вазифаларини округ сайлов комиссияси амалга оширади. Округ сайлов комиссияси сайловга йигирма беш кун қолганида, участка сайлов комиссиялари эса — ўн беш кун қолганида тузилади. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўн беш кун қолганида тўхтатилади.

Тегишли халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ваколат муддатининг тугашига олти ойдан кам вақт қолганида депутатнинг ўрни бўшаб қолса, бўшаб қолган ўринга янги депутат сайлови ўтказилмаслиги мумкин.

## VIII. ДЕПУТАТЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА САЙЛОВ ЯКУНЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ

**45-модда. Депутатларни рўйхатга олиш**

Тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан олинган баённлар асосида сайланган депутатларни рўйхатга олади ва бу ҳақда уларни хабардор этади.

Ушбу Қонун 23-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган шахслар тегишли халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутати этиб сайлансалар, тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига депутатнинг мақомига тўғри келмайдиган вазифаларни ўз зиммаларидан соқит қилганликлари тўғрисида ёзма равишда маълум қилишлари шарт.

Муайян сиёсий партиядан тегишли халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатилган ҳамма номзодлар, башарти улар сайловда овоз беришда иштирок этган тегишли вилоят, туман, шаҳар барча сайловчиларнинг камида беш фоизи овозини тўпламаган бўлсалар, депутат этиб рўйхатга олинмайдилар.

**46-модда. Депутатлар сайловининг якунларини эълон қилиш**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашига ўтказилган сайлов якунлари тўғрисидаги ахборотни ва сайланган депутатларнинг рўйхатини тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси алифбо тартибида депутатларнинг фамилиясини, исми ва отасининг исмини, туғилган йилини, партияга мансублигини, эгаллаб турган лавозимини (машғулотининг турини), иш ва турар жойини, сайлов округининг тартиб рақами ва кунини кўрсатган ҳолда кўпи билан ўн кун ичида матбуотда эълон қилади.

## IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

**47-модда. Депутатнинг гувоҳномаси ва кўкракка тақиладиган нишони**

Округ сайлов комиссияси тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатларининг рўйхати матбуотда эълон қилинганидан кейин округдан сайланган депутатга унинг сайланганлиги тўғрисида гувоҳнома беради.

Тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан депутатнинг ваколатлари тасдиқланганидан кейин унга берилган депутат этиб сайланганлиги тўғрисидаги гувоҳнома халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутатининг гувоҳномаси билан алмаштирилади. Депутатга белгиланган намунадаги кўкракка тақиладиган нишон берилади.

**48-модда. Сайловнинг молиявий таъминоти**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Депутатликка номзодларни бошқа маблағлар ҳисобидан молиявий таъминлаш ва ўзга тарзда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари, жамоат бирлашмалари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва фуқаролари ўз маблағларини ихтиёрий равишда сайлов ўтказиш учун беришлари мумкин. Бу маблағларни вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари сайлов кампаниясида фойдаланиш учун қабул қилиб олади.

**49-модда. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисидаги Қонунни бузганлик учун жавобгарлик**

Сайловчиларнинг сайлаш ва сайланиш, сайловолди ташвиқоти олиб бориш ҳуқуқларини амалга оширишларига зўравонлик, алдаш, таҳдид қилиш ёки бошқа йўл билан тўсқинлик қилувчи шахслар, шунингдек сохта сайлов ҳужжатлари тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чиққан, яширин овоз бериш тартибини бузган ёки ушбу Қонун бошқача тарзда бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, бошқа мансабдор шахслар, сиёсий партияларнинг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар. Депутатликка номзод тўғрисида сохта маълумотлар эълон қилган ёки уларни ўзгача тарзда тарқатган шахслар ҳам жавобгарликка тортиладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 5 май.

---

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

**«ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА ҚИРИТИШ ҲАҚИДА**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**1. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.**

**2. Ўзбекистон Республикасининг 1989 йил 20 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлари сайлови ҳақида»ги Қонуни янги чақириқ халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тайинланган кундан эътиборан ўз кучини йўқотди деб ҳисоблансин.**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи**
**Э. ХАЛИЛОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 5 май.

---

*Ўзбекистон Республикасининг Қонуни*

# ФУҚАРОЛАР САЙЛОВ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ҳокимият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу ҳуқуқ фуқароларнинг референдумларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайловида қатнашиши орқали амалга оширилади.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Конституция, ушбу Қонун ва бошқа қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган сайлов ҳуқуқлари давлат муҳофазасидадир.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир фуқаро сайловчи бир овозга эга.

Ўзбекистон Республикасининг 35 ёшдан кичик бўлмаган фуқаролари Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикасининг сайлов кунигача 25 ёшга тўлган фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикасининг сайлов кунигача 21 ёшга тўлган фуқаролари ҳокимиятнинг маҳаллий вакиллик органларига сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.

**5-модда.** Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди, сайлов тўғрисидаги қонунларда белгилаб қўйилган талаблар бундан мустаснодир.

**6-модда.** Сайловчилар қаерда бўлишларидан қатъи назар, уларга референдумларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайловларида бевосита қатнашиш ҳуқуқи кафолатланади.

**7-модда.** Сайловчилар ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдириш ва яширин овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар. Участка сайлов комиссиялари овоз беришни махсус ажратилган биноларда ташкил этиб, фиқароларга хоҳиш-иродани эркин ва яширин равишда билдириш имкониятини яратадилар.

Сайловчиларнинг хоҳиш-ирода билдиришларини назорат этишга йўл қўйилмайди.

**8-модда.** Сайлов кунига қадар ёки сайлов кунида 18 ёшга тўладиган, тегишли сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиб турган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари сайловчилар рўйхатига киритилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ҳар бир сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин.

**9-модда.** Сайловчиларга участка сайлов комиссиясининг биносида сайловчилар рўйхати билан олдиндан танишиб чиқиш имконияти таъминланади.

**10-модда.** Сайловчи сайловчилар рўйхатидаги хато ва ноаниқликлар тўғрисида сайлов комиссиясига арз қилиш ҳуқуқига эга. Участка сайлов комиссияси йигирма тўрт соат ичида бундай аризани кўриб чиқиши ҳамда ёки хатони тузатиши, ёки аризачига унинг аризаси асосли тарзда рад этилганлиги тўғрисидаги маълумотномани бериши шарт.

**11-модда.** Бирор бир сабабга кўра сайловчилар рўйхатига вақтида кирмай қолган сайловчи унинг шахси, фуқаролиги ва турар жойини тасдиқловчи ҳужжатга асосан участка сайлов комиссияси томонидан рўйхатга киритилади.

**12-модда.** Сайловчилар умумхалқ овозига қўйилган қарорларни, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодларни ва ҳокимиятнинг вакиллик органларига кўрсатилган номзодларни ёқлаб ёки уларга қарши ташвиқот юритиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сайловчиларга ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқи кафолатланади.

**13-модда.** Давлат ҳокимияти органлари сайловолди учрашувлари ўтказиш учун сайловчиларга жиҳозланган бинолар, зарур маълумот ва ахборот материаллари бериб туришлари шарт. Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ва жой сайловчиларга барвақт хабар қилинади.

**14-модда.** Бутун сайлов кампанияси кенг ошкоралик асосида тузилади. Ҳар бир сайловчи сайлов давомида сайлов округлари ва участкаларини тузишга, сайлов комиссияларининг таркиби, комиссиялар жойлашган манзил ва иш вақтига, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов якунларига доир ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга.

Тегишли сайлов комиссияларининг сайлов округлари ва участкаларини тузиш, сайлов комиссияларининг таркиби тўғрисидаги, шунингдек депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов якунлари ҳақидаги қарорлари матбуотда эълон қилинади.

**15-модда.** Сайловчилар сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар ва айрим номзодларнинг келгуси фаолият дастури билан танишиш ҳуқуқига эгадирлар.

**16-модда.** Сайлов ҳуқуқига эга, бирон бир сиёсий партиянинг аъзоси бўлмаган, депутатликка номзод ёки унинг ишончли вакили этиб кўрсатилмаган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари сайлов комиссияларининг аъзоси бўлишлари мумкин.

**17-модда.** Овоз бериш куни сайловчиларга бузиб қўйилган сайлов бюллетенини янгиси билан алмаштириб олиш ҳуқуқи кафолатланади. Сайлов бюллетенини алмаштириб беришни тегишли участка сайлов комиссияси амалга оширади.

**18-модда.** Сайлов куни ўз турар жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилар олдиндан овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Тегишли участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг талабига кўра белгиланган шаклда бўлган, депутатликка номзодлар тўғрисида тегишли маълумотлар қайд этилган сайлов варақаларини беради. Сайловчилар тўлдирилган сайлов варақасини ёпиқ конвертда участка сайлов комиссияси аъзоларидан бирида қолдиришлари мумкин.

**19-модда.** Саломатлигининг ҳолати ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмайдиган сайловчилар участка сайлов комиссиясига тегишли илтимос билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга, бу комиссия овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этиши шарт.

**20-модда.** Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқаросига унинг сайлов ҳуқуқлари суд йўли билан ҳимоя этилиши, сайлов комиссияларининг, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш имкониятлари кафолатланади.

**21-модда.** Куч ишлатиш, алдаш, қўрқитиш орқали ёки бошқа йўллар билан фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш, референдумда иштирок этиш, сайловолди агитациясини олиб боришдан иборат ҳуқуқларидан фойдаланишларига тўсқинлик қилиш, шунингдек ҳужжатларни сохталаштириш, овозларни атайин нотўғри санаш, референдум тўғрисидаги, Президент сайлови ҳақидаги, ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайлов тўғрисидаги қонунларни ўзгача тарзда бузиш Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 5 май.

# ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

## Душанба, 30. V

● ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Ёшлик» студияси. «Эзгуликка интилиб». 18.40 «Жўрахон ака». Телефильм. 18.55 «Иқтисодимиз таянчлари». Бухоро вилояти электр тармоқлари корхонасининг иш тажрибасидан. 19.25 Эълонлар 19.30 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 Лирик концерт. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахборот. 21.25 Эълонлар. 21.30 «Эл осойишталиги йўлида». 21.50 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун Халқаро турнирнинг тантанали очилиши. 22.20 «Ёшлик» студияси. «Ботма, қуёш». 23.20 «Наврўз бахт ва қувонч улашиб». «Ўзбектелефильм» премьераси. 23.50 «Ўзбекистон» ахборот. 00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида). 19.50 Камер куйларидан концерт. 20.20 «Билиб қўйган яхши». 20.40 Болаларни соғломлаштириш масканларида. «Тошкент ҳақиқати» рўзномаси ва вилоят касаба уюшмаси ҳамкорлигида қўшма рейд. 21.30 «Умид сарчашмалари». Актёр Беҳзод Муҳаммадкаримов. 22.05 «Барбод бўлган экспедиция». Бадиий фильм. 1—2-серия-лар.

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.00—19.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.50 Душанба куни детектив. «Спрут-5». Бадиий фильм. 3-серия. 21.35 «Ҳақиқат онлари». 22.30 «Парвоз учун яратилганлар». Телефильм. 22.55 «Тафсилотлар». 23.05 «Юлдузлар билан суҳбатда». 23.15—00.15 Волейбол бўйича жаҳон лигаси. «Россия — Италия». «Динамо» спорт саройидан кўрсатилади.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30—7.45 «Тонг». 18.25 «Горячев ва бошқалар». Бадиий телесериал премьераси. 28-серия. 18.55 «Эркак ва аёл». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Вагон-03». 20.40 «Спорт уик-энди». 20.55 «Театр+ТВ». 21.40 «Гол». 22.10 «Орзулар вокзали». Ю. Башмет. 23.00 Янгиликлар. 23.35—00.15 «Кабаре. Барчаси юлдузлар».

## Сешанба, 31. V

● ЎзТВ I

6.30—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.30 «Хайр, кабутарлар». Бадиий фильм. 10.00 «Учрашув». Телевизион миниатюралар. 11.10 «Куйла, созим». Мусиқий кўрсатув. 11.50 «Пилла — бойлигимиз». 12.20 «Қалдирғоч». Қисқа метражли бадиий фильм. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Кичкинтой» студияси. «Доно бобо даврасида». 18.40 «Мукаррам опани ёд этиб...». 18.55 «Биз танлаган йўл». Мизробот тумани «Кўнғирот» деҳқон хўжаликлари уюшмаси фаолияти ҳақида. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Шарқ зарчашмаси». «Ўзбектелефильм» премьераси. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «Диққат: концертни Ўткир Сиддиқов олиб боради». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахборот. 21.25 Эълонлар. 21.30 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун Халқаро турнир кундалиги. 22.00 «Тошкентга саёҳат». Фарғона вилояти театрининг спектакли. 23.40 «Ўзбекистон» ахборот. 00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахборот. (рус тилида).

«ОМАД» таништиради:

19.50 «Мультфейерверк». 20.20 «МТВ». Эълонлар. 21.00 «Каноннигоҳ».

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ «ОМАД» таништиради:

9.00 «Совға». 9.30 «Ҳар соҳадан бир шингил». 9.35 Эълонлар. 9.40 Видео-«О». 11.20 Эълонлар. 11.25 «Курьер» 11.40 «Эм-Ти-Ви»дан мусиқалар. 12.00 «Ҳар соҳадан бир шингил». 12.15 Эълонлар. 12.20 «Салом, ёшлар!» 12.50 «Даракчи». 13.00 «Юлдузлар жилоси» 13.30 Эълонлар. 13.40 Видео-«О».

18.00—19.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.50 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 324-серия. 20.40 «Осойишта уй». «Канн-94» С. Шолохов кўрсатуви.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.25 «Матонатли кишилар». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30—7.45 «Тонг». 17.55 «Тиғиз пайт». Рукн премьераси. 18.20 «Ёввойи атиргул». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. (Мексика). 18.55 «Мавзу». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Сизга аталган учрашувлар». Л. Леонов. 20.55 «Останкино» телеканалида биринчи марта. «Онам 100 ёшга тўлади». Бадиий фильм (Испания). 22.50 «Матбуот-экспресс». 23.00 Янгиликлар. 23.35—00.20 «Останкино» хит-паради.

## Чоршанба, 1. VI

ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

● ЎзТВ I

6.30—8.45 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.45 Болалар учун фильм. «Кулол ва ҳумча». 10.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 10.15 «Бола бошидан...». 10.55 «Самсон ва Салли». Мультфильм. 11.55 «Шодлик» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Тошкентлик лочин». Телефильм. 18.25 «Болалар — гуллолалар». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Чотқол тизмалари бўйлаб». Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «Меҳр». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахборот. 21.25 Эълонлар. 21.30 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун Халқаро турнир кундалиги. 22.00 Замонавий ўзбек қўшиқларининг «Анор» телевизион танлови. 23.00 «Ҳилол» студияси. «Тилсим». 23.50 «Ўзбекистон» ахборот. 00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида). 19.50 «Ҳаёт бўсағасида». 20.20 «Спринт». 20.40 «Шаҳар юмушлари». 21.40 «Қалбингда қуёш порласин». 22.10 «Гул ва тош» Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.00—19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 325-серия. 20.45 «Ҳеч ким унутилмайди». 20.50 «Мен — йўлбошчиман». 21.15 «L-клуб». 22.00 «Фильмлар премьераси». 22.15 Спорт кўрсатуви.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 «Виктор Чернишев ҳаётидан уч кун». Бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30—7.45 «Тонг». 18.00 «Тиғиз пайт». 18.25 «Ёввойи атиргул». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 19.00 «Кремлдан беш қадам». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Монолог». 20.40 «Монте-Карло — 94». Юлдузлар фестивали. 21.35 «Матбуот-экспресс». 21.45 «Останкино» телеканалида биринчи марта. «Анастасия. Аннанинг сири». Бадиий фильм. 2-серия. 23.00 Янгиликлар. 23.35—00.10 «Монте-Карло—94» Юлдузлар фестивалининг давоми.

## Пайшанба, 2. VI

● ЎзТВ I

6.30—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.30 «Уч карра текширув». Бадиий фильм. 10.00 Лотин алифбоси. 10.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 10.45 «Ёшлик» студияси. «Баҳор—94». 11.45 «Ҳаёт гулшани». 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 Ўсмирлар учун. «Умид учқунлари». 18.45 «Саҳродаги қўриқхона». Телефильм. 18.55 «Таълим ва ислоҳот». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Саломатлик йўлида». 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «Хонанда билан учрашув». Мавлуда Асалхўжаева. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахборот. 21.25 Эълонлар. 21.30 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун Халқаро турнир кундалиги. 22.00 Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон ва Ўзбекистон халқ артисти Ортиқ Отажоновнинг ижодий кечаси. 23.15 «Ўзбекистон» ахборот. 23.40 Эртанги кўрсатувлар. тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида).

«ОМАД» таништиради:

19.50 «Омад» тақвими. 19.55 Эълонлар. 20.00 «Жозиба». 20.20 «Бир шингил ҳангома». 20.30 Эълонлар. 20.35 «Зиндаги ёхуд муҳаббат». 20.55 Видео янгиликлар. 21.20 Эълонлар. 21.25 «Кинонигоҳ».

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.00—19.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.50 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 326-серия. 20.45 «Санкт-Петербург мусиқаси». Ольга Шалашова. 21.10 Криминал хабарлар экрани. 21.20 Концерт.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.35 «Қирол Лир». Бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30—7.45 «Тонг». 18.00 «Тиғиз пайт». 18.25 «Ёввойи атиргул» Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 18.55 «Эҳтиёткор» кишинг иқрори». Е. Габрилович давр ва ўзи ҳақида. 4-боб. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Вагон-03». 20.40 «Мен куйлай, сиз тингланг». Халқ қўшиқлари ижрочиси Л. Николаева. 21.10 «Останкино» телеканалида биринчи марта. «Анастасия. Аннанинг сири». Бадиий фильм. 3-серия. 22.25 «Матбуот-экспресс». 22.35 «Оқ ва қора». Кўрсатувни М. Таривердиев олиб боради. 23.05—23.40 Янгиликлар.

## Жума, 3. VI

● ЎзТВ I

6.30—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.30 «Учувчининг парвози». Бадиий фильм. 9.55 «Бобомурод Ҳамдамов куйлайди». Фильм-концерт. 10.30 Инглиз тили. 11.00 «Ёш табиатшунослар». 11.25 «Ғазалхон ёшлигим». 12.05 Ўзбек адабиёти — Марказий Осиё адабиёти. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Кичкинтой» студияси. «Қўнғироқча». 18.35 «Ёшлар — ёшлар одоби ҳақида». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахборот. (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 Дунё воқеалари. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «Ислоҳот ва масъулият». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон ахборот. 21.25 Эълонлар. 21.30 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун Халқаро турнир кундалиги. 22.00 «Мўъжизалар мамлакати». Жанубий Қурия. 23.35 Республика ёш хонандаларининг «Камолот» танлови совриндорлари концерти. 23.35 «Ўзбекистон» ахборот. 24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида). 19.50 «Излаган имкон топади». 20.20 «Хабарлар, хабарлар, хабарлар...». 20.50 «Қирғовуллар». Телефильм. 21.00 «Ўзбекистон» ахборот. 21.25 «Тошкент оқшомлари». 22.05 «Тириклайин қўлга олинсин». Бадиий фильм.

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.00—19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Киномарафон. «Қизил ҳарф». Бадиий фильм. (ГФР). 21.40 «Ҳеч ким унутилмайди». 21.45 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида. 22.15 Спорт кўрсатуви.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 «Шайтон малайлари». Бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30—7.45 «Тонг». 17.55 «Ҳафтанинг акс садоси». 18.15 «Япония А. Колошин билан». 18.45 «Мўъжизалар майдони». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Ҳафтанинг машҳур кишиси». 20.50 «Детективлар клуби»да. «Ден Огаст». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 6-фильм. 21.50 «Матбуот-экспресс». 22.00 «Сиёсий бюро». 23.00 Янгиликлар. 23.35—00.05 «Музобоз».

## Шанба, 4. VI

● ЎзТВ I

6.30—8.45 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.45 «Мимино». Бадиий фильм. 10.00 «Маънавият бўстони». 11.00 «Ёшлик» студияси. «Садо». 11.30 «Хотира». Ўзбекистон халқ артисти Қодир Маҳсумов таваллудининг 70 йиллигига. 12.30 Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари хизмат кўрсатган ашула ва рақс ансамблининг ҳисобот концерти. 13.50 «Цирк, цирк, цирк». 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Болалар учун фильм. «Писмиқ». 18.40 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахборот. (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 Мусиқий дақиқалар. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «Дил номалари». Мусиқий кўрсатув. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахборот. 21.25 Эълонлар. 21.30 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун Халқаро турнир кундалиги. 22.00 Телевизион театр премьераси. Худойберди Тўхтабоев. «Олтин сиртмоқ». 1-қисм. 23.05 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

● ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахборот (рус тилида). 19.50 «Паровозча». Телефильм. 20.00 «Бахт кулиб боққанда». 21.00 «Ўзбекистон» ахборот. 21.25 «Суперспорт». 22.05 «Нурли хотиралар». 22.55 «Инсон тақдири». Бадиий фильм.

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
11.00—16.00
«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

11.00 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар». 11.10 «Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда». Италия Республикаси эълон қилинган кунга. 12.10 «Безнен мирас» (татар тилида). 12.50 «Би-Би-Си» янгиликлари (инглиз тилида). 13.05 «Умид» (уйғур тилида). 13.45 «Давр менинг тақдиримда». Борис Пак. 14.30 «Си-Эн-Эн» янгиликлари (инглиз тилида). 14.45 «Ўзбекистон жаҳон бозорида». 15.15 «Истеъдод». Даша Солиҳова. 15.45 «Бу ажиб дунё».

18.00—19.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.20 Мультфильм. 19.30 Киномарафон. «Контракт асосида она». Бадиий фильм (Жанубий Қурия). 21.20 «Мутлақо махфий». 22.10 «М-трест».

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 «Хонадон ва унинг соҳиби». Бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.50 «Рукн премьераси». 18.40 «Коламбия пикчерс» таништиради: «Бошқа оламдан нимадир». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Коламбия пикчерс» таништиради: «Бошқа оламдан нимадир». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия. 21.20 «КВН—94». 23.15—23.50 Янгиликлар.

## Якшанба, 5. VI

● ЎзТВ I

6.30—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.30 «Маҳобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 69—70-сериялар. 10.00 «Ватанимга хизмат қиламан». 10.30 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун Халқаро турнир кундалиги. 11.00 «Сирли сандиқ». Телеўйин. 12.00 Хоразм ҳаволари. 12.40 «Ёшлик» студияси. «Учрашув». 13.40 Тижорат кўрсатуви «Юксалиш йўлида». Қашқадарё вилояти пахта тозалаш заводлари фаолияти ҳақида. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Уч қурбақа», «Кеч қолмадим» «Ўйинқароқ болалар». Мультфильмлар. 18.25 Болалар учун. «Мучал тўйи». «Туркистон» саройидан ёзиб олинган. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ҳафтанома» (рус тилида). 20.00 Эълонлар. 20.05 «Кабутарим». Телефильм. 20.15 «Кулги дармон дейдилар». Абдулла Акбаров. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ҳафтанома». 21.30 Эълонлар. 21.35 «Ойнаи жаҳонда...». 21.55 Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун Халқаро турнир кундалиги. 22.25 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув. 23.05 Телевизион театр премьераси. Худойберди Тўхтабоев. «Олтин сиртмоқ». 2-қисм. 00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

17.00 «Совға». 17.30 «Ҳар соҳадан бир шингил». 17.35 Эълонлар. 17.40 «Шарқ дурдоналари» кўрсатуви таниқли қўшиқчи Шерхон ижросида «Биллур» фильмини тақдим этади. 19.10 Эълонлар. 19.20 «Курьер». 19.35 «Келинг, танишайлик!» (Чимёнда муаллифлик қўшиқлари фестивали). 20.05 «Эм-Ти-Ви»дан мусиқалар. 20.20 «Ҳар соҳадан бир шингил». 20.35 Эълонлар. 20.40 «4/8». Мусиқий кўрсатув. 21.00 «Даракчи». 21.10 Эълонлар. 21.15 Видео—«О».

● ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
12.15—16.00
«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

12.15 Мамлакатлар, воқеалар, одамлар». 12.30 «Дунё эшиги». 13.10 «Чет эл эстрадаси». 13.45 «Би-Би-Си» янгиликлари (инглиз тилида). 14.00 «Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан». 14.40 «Иқтисодиётимиз имкониятлари». 15.00 «Си-Эн-Эн» янгиликлари (инглиз тилида). 15.15 Дилрабо қўшиқлар. 15.45 «Бу ажиб дунё».

18.00—19.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.25 «Си-Би-Эс» кинотеатри. «Ўз ўрнини эгаллаш». Бадиий фильм. 21.10 «Ксюша ҳузурида». 21.40 «Осойишталик № 9».

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 «Чорраҳа». Бадиий фильм.

● «ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 «Шпаргалка». 18.05 Мультфильмлар премьераси: «Мушук Феликс», «Ҳақиқий ажина овловчилар». 19.00 «Панорама». 19.30 «Бомонд». 19.50 «Нима? Қаерда? Қачон?» 21.00 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви. 21.55 Телевизион бадиий фильмлар премьераси: «Делиянинг мушкул аҳволи», «Кўрқинчли Фрэммис». «Қабиҳ фаришталар» телесериалидан. 23.10—23.20 Янгиликлар.

• Спорт

# КИЧИК ТЎПНИНГ КАТТА БАЙРАМИ

PRESIDENT CUP UZBEKISTAN INTERNATIONAL TENNIS TOURNAMENT
TASHKENT 1994

### БУГУН ТОШКЕНТДА «ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ» УЧУН ХАЛҚАРО ТЕННИС МУСОБАҚАСИ БОШЛАНАДИ

**Теннис жаҳонда энг ривожланган ва оммавийлашган спорт турларидан ҳисобланади. Тараққий этган мамлакатларда спортнинг бу турини маданият тимсоли, деб биладилар. Боиси одобли, ўз саломатлигининг қадрига етадиган каттаю-кичик теннис билан ошнолашаркан ҳамиша тетик ва бардам, кайфияти чоғ бўлишини билади. Буюк келажакка собит қадам ташлаётган, барқарор ривожланиш йўлини тутган Ўзбекистон пойтахтида нуфузли мусобақани ўтказишга халқаро теннис мутасаддиларининг розилик билдиришлари ҳам шундан. Биз мусобақа арафасида юртимизда теннисни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган, ўтказилаётган халқаро мусобақа ташкилотчиларидан бири, Республикада хизмат кўрсатган мураббий Генрих ДАШЕВСКИЙ суҳбатини олдик.**

— Ўзбекистонда тенниснинг ривожланиш тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади,— деб гап бошлайди Генрих Александрович.— Хусусан, маълумотларга қараганда бир вақтлар Тошкентдаги кадетлар корпусида тўртта теннис майдончаси бўлган экан. Кейинчалик бу ерда тиббиёт институти жойлашиб, майдончалар талабалар ихтиёрига берилган. 1925 йилда Тошкент, Қўқон, Бухоро, Андижон, Фарғонада машғулотлар йўлга қўйилган. 5—6 йилдан кейин вилоят ва республика мусобақаларини ташкил этиш расм бўлган. Сўнг уларга спартакиадалар ҳам қўшилди. Теннисчиларимиз собиқ Иттифоқ чемпионатларида қатнашадиган бўлишди. Бу пайтга келиб теннис юртимизда ривожланиб, оммавийлик касб этди. Кичик тўп ошуфталари сафи кенгайди.

**— Мустақил диёримизда теннисни янада ривожлантириш ва спортчиларимизнинг халқаро мусобақаларда юртимиз спорт шарафини ҳимоя қилишлари учун нималарга эътибор қилиш керак, деб ўйлайсиз?**

— Ҳур ўлкада бунга эришиш учун деярли барча шарт-шароитлар бор, десам муболаға бўлмас. Аввало юртбошимиз соғлом авлодни камол топтириш, ёшлар саломатлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омили ҳисобланган жисмоний тарбия, спортга алоҳида эътибор бермоқдалар. Олимпиада ўйинларига даъвогар шаҳарлар сирасига киритилган Тошкентда яна бир ажойиб спорт кошонаси барпо этилгани ҳам шундан нишона. «Юнусобод» спорт мажмуи деб юритилаётган ва бугунги кунда «Президент кубоги» учун халқаро теннис мусобақасини ўтказишга шай қилиб қўйилган бу ажиб маскан халқаро талабларга жавоб бериши билан таҳсинга лойиқдир. Бу ерда теннисчилар, мутахассислар, меҳмонлар ҳамда жаҳоннинг турли бурчакларидан келган журналистлар учун барча имкониятлар муҳайё. 4 гектарли майдонда барпо этилган бу иншоот учун шаҳарнинг энг сўлим гўшаси танланганини ҳам алоҳида қайд этиш керак. Ўзбекистонда Қозоғистон кунлари муносабати билан пойтахтимизга ташриф буюрган Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев спортнинг теннис турини қадрига етадиганлардан. У киши спорт кошонасини келиб кўриб, уни юксак баҳоладилар ҳамда илк марта машқ қилиб кўрдилар.

Умуман бизда халқаро мусобақа ўтказиш учун етарли шароитлар борлигини хорижий мутахассислар эътироф этмоқдалар. Хусусан «Динамо» теннис стадиони, «Пахтакор» теннис майдончалари ҳам кўпчиликка маъқул бўлди.

**— Йирик мусобақалар олдидан ўтказилувчи сателлит баҳслари ҳақида нималар дея оласиз?**

— Сателлит, бизнинг тилимизда айтганда «йўлдош», яъни катта мусобақаолди баҳси деб юритилади. Ўзбекистонда ўтказиладиган навбатдаги мусобақага «Буюк ипак йўли» деб ном берилиши кўпчиликнинг кўнглига ўтирди. Аслида бундай турнир соврини жамғармаси 6250 АҚШ долларидан кам бўлмаслиги керак. Бу гал уни 25 минг доллар қилиб белгиланиши мусобақа иштирокчиларини қизиқтириб юборди. Мусобақалар Тошкент, Самарқанд ва яна Тошкент шаҳарларида давом этиб, охирги босқич яъни «мастерс»да иштирок этиш учун маҳорат кўрсатилди. Тошкентлик Олег Огородов совринли ўринни эгаллаш учун зўр берди. Чунки ютиб чиқса у жаҳондаги 350 энг кучли теннисчи сафидан жой оларди. Олег ниятига етди. Сателлит баҳслари эса асосан халқаро теннис федерацияси доирасида ўтказилиб ёшларни профессионаллар сафига қўшилишларига кўмаклашади.

**— Маълумки, «Президент кубоги» учун халқаро мусобақа профессионал теннисчилар ўртасида ўтказилмоқда. Демак, республикамиз теннисчилари сателлит баҳсларида қатнашиб, ўзларининг профессионал маҳоратларини оширишга имкон топибдилар-да...**

— Жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган профессионаллар қатори Олег Огородов, Дмитрий Томашевич, Темур Ғаниев, Фарҳод Ғуломов ўн кун мобайнида республикамиз спорт шарафини ҳимоя қиладилар. Улар шу йил Котардаги Доха шаҳрида халқаро Дэвис кубоги учинчи гуруҳида қатнашиб 11 мамлакат орасида муваффақият қозониб мазкур кубокнинг иккинчи гуруҳида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлишган. Бу ҳаммаси теннисчиларимизнинг етарли тажриба ва маҳоратга эгалигидан далолат.

**— Совриндорлик баҳсининг ўтиши ва қондалари ҳақида сўзласангиз?**

— Сирасини айтганда, ғолибларга мўлжалланган пул мукофоти чакки эмас: 125 минг АҚШ доллари қилиб белгиланган. Бу дегани, кучли ўн иккилик сафидан жой олган ҳар бир теннисчи тегишли пул мукофоти билан тақдирланади. Бош соврин эса биллур, кумуш ва олтиндан ясалган бўлиб, ғолибга, унинг нуҳсаси тақдим этилади. Демак, соврин Тошкентда қолади. Бу ўтказилаётган халқаро мусобақанинг давом этиб, анъанага айланишидан дарак беради. Юртимизда теннис шунчалар ривожланиб, оммавийлик касб этадики, келажакда Ўзбекистон ҳам АҚШ, Австрия, Франция, Англия мамлакатларида бўлгани каби очиқ мусобақаларни ташкил этишга имкон топади. У ёғини сўрасангиз, хорижий спортчилар, хусусан теннисчилар ҳамма ерга ҳам боравермайдилар. Зеро, юртимиз, халқимиз меҳмонларни мафтун этган экан, бу мустақил мамлакатимиздаги барқарорлик самараси деб биламан. Шунинг учунми ҳар бир теннисчи Тошкентда илк бор бўлишига қарамай, ўзини эркин ҳис қилиб, хушнуд бўлмоқдаки, бу мусобақанинг қизғин ва муросасиз ўтишига имкон беради, деган фикрдаман.

Суҳбатдош:
**Ҳайдар НОСИРОВ.**


## ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

**«ЎЗҚИШЛОҚТАЪМИНОТТАЪМИРЛАШ» ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ЎРТА ОСИЕ ТАЖРИБА ЗАВОДИДА ЕИМА САВДО КУРГАЗМАСИНИ ЎТКАЗАДИ**

**1994 йил 31 май—1 июнь кунлари ўтказиладиган кўргазмада металл қирқиш станоклари намойиш этилади.**

**МАНЗИЛ: 702832 Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ўртаовул 1 почта бўлими, Ўрта Осиё тажриба заводи.**

**ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА.**

**ДИҚҚАТ!**

10—11 май кунлари Жарқўрғон шаҳрида «ЖЎРА» пул-буюм лотереясининг биринчи тиражи ўйинлари ўтказилди. Тиражнинг расмий жадвали газетамизнинг «Осиё бозори» ахборот-тижорат иловаси навбатдаги сонида эълон қилинади.

Roland JV-50; KORG X-3;
Yamaha PSR 510; PSS 51.
музика аппаратуралари
СОТИЛАДИ
Телефонлар: 65-28-68, 22-50-49


**ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!**

Тошкент Давлат университети жамоаси, ўзбек филологияси факультети жамоаси декан ўринбосари, доцент Сайди Умировга волидаи муҳтарамалари

**Ойсулув ая Хайдар қизининг**

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этиб, ҳамдардлик билдирадилар.

«Ўзгўштсутсаноат» давлат-акционерлик ассоциациясининг жамоаси «Андижонгўшт» ҳиссадорлик жамиятининг раиси Шарофиддин Ёқубович Бобоевга отаси

**Ёқубжон БОБОЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент кимё технология институти жамоаси «Аналитик кимё» кафедраси доценти

**Карим РАҲМАТУЛЛАЕВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.


МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

**«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»**

Бош муҳаррир Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИҲСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими—33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-46-24; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 32-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-3716.
● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топириш вақти — 21.00. топширилди—21.00
Г — 939 тир. 85501.
Навбатчилар: О. НАЗАРОВ, Ҳ. ЭРМАТОВ.



МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй.